

NIYAZOVA Shohsanam

Ўзбекистон халқаро ислом академияси,
Диншунослик ва жаҳон динларини
қийёсий ўрганиш UNESCO кафедраси, докторант

ABDULLAEVA Mokhira

Ўзбекистон халқаро ислом академияси,
Диншунослик ва жаҳон динларини
қийёсий ўрганиш UNESCO кафедраси,
PhD, доцент в.б.

ХРИСТИАНЛИКДАГИ АХЛОҚИЙ МАСАЛАЛАР: ПРАВОСЛАВЛИК НУҚТАИ НАЗАРИДА

ПРОБЛЕМЫ ПРАВА В ХРИСТИАНСТВЕ: С ТОЧКИ ЗРЕНИЯ ПРАВОСЛАВИЯ

PROBLEMS OF MORALS IN CHRISTIANITY: FROM THE POINT OF VIEW OF ORTHODOXY

Аннотация. Ахлоқ меъёрлари муайян диннинг ажралмас қисмини ташкил этади ва мазкур динга эътиқод қилувчилар учун муҳим аҳамиятга эга бўлади. Ушбу мақолада христиан динида, хусусан, унинг православлик йўналиши нуктаи назарида ахлоқ масаласига оид илмий қарашлар ўз аксини топган. Тадқиқотда христианликда ахлоқ масаласи асослари таҳлил қилиниб, асосий тамойиллари баён қилинган. Христиан ахлоқини ўрганишнинг тарихий ва бугунги кундаги аҳамиятини очиб беришга ҳаракат қилинган.

Калим сўзлар: христианлик, православлик, ахлоқ, морал, ахлоқий меъёрлар.

Аннотация. Моральные нормы являются неотъемлемой частью той или иной религии и важны для тех, кто исповедует эту религию. В данной статье отражены научные взгляды на проблему нравственности в христианской религии, в частности, с точки зрения ее православной направленности. В исследовании анализируется основа вопроса о морали в христианстве и формулируются ее основные принципы. Сделана попытка выявить историческое и современное значение изучения христианской этики.

Ключевые слова: христианство, православие, нрав, мораль, нравственные нормы.

Annotation. Moral norms are an integral part of a particular religion and are important for those who profess this religion. This article reflects scientific views on the problem of morality in the Christian religion from the point of view of its Orthodox orientation. The study analyzes the basis of the issue of morality in Christianity and formulates its basic principles. An attempt is made to reveal the historical and contemporary significance of the study of Christian ethics.

Keywords: Christianity, orthodoxy, ethics, moral, moral rules.

КИРИШ

Ахлоқий моҳиятни шакллантирувчи ахлоқий меъёрлар, тушунчалар ва тамойиллар диннинг ажралмас таркибий қисми саналади. Шунга қўра, буддавийлик ахлоқи, ислом ахлоқи, христианлик ахлоқи сингари бўлинишлар юзага келган. Ахлоқ меъёрлари қайси динни намоён этишидан қатъи назар ўша диннинг моҳияти, таълимотидан келиб чиқади. Ушбу тадқиқотда христиан динида, хусусан, унинг православлик йўналиши нуктаи назарида ахлоқ масаласига оид илмий қарашлар ўз аксини топади. Бу масалага бағишланган илмий асарлар ва тадқиқотлар таҳлил қилиниши асосида христиан динида ахлоқ масаласининг асослари ўрганилади. Бунда черковнинг ўрни ва тарихий аҳамиятига тўхталинади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Христианлик – эътиқод қилувчилар сонига қўра кўплиги жиҳатидан дунёда биринчиликни эгаллаб турган жаҳон динидир. Бу динда ахлоқ тушунчаси моҳиятан пайғамбар Исо Масихнинг таълимотига бориб тақалади. Ахлоқ сўзига умумий таъриф берилса, арабча “хулқ” сўзининг кўплигидан келиб чиққан бўлиб, кишилар орасида муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос тартиб-қоидалари йиғиндисини англатади. Кишилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишнинг муайян ижтимоий-ташкилий тузилмалар фаолиятига асосланган (хукукий, диний) шаклларида фарқли равишда, ахлоқ кишилар хулқ-атворлари, мулоқот ва муносабатларининг ёзилмаган, лекин жамият томонидан қабул қилинган ҳамда қўллаб-қувватланган “олтин қоидалар”ни ифодалайди [2:35].

Чет эл илмий ҳамжамияти, хусусан, инглиз тилидаги тадқиқотларда ахлоқ тушунчаси “морал” (moral) сўзи билан ифодаланади. Лотинча “moralis” сўзидан келиб чиққан бу атама эзгулик ва ёвузлик, адолат ва виждон тушунчаларини тавсифловчи умумий, мутлақ қарашлар тизимини ифода этади.

Ахлоқ нормалари хатти-ҳаракатларни “яхши” ва “ёмон”, “тўғри” ва “нотўғри”, “эзгу” ва “ёвуз”га ажратади. Рус тадқиқотчиси С. Булгаковга кўра, ахлоқийликнинг илдизи динга бориб тақалади, инсондаги эзгулик ва ёвузликни фарқлаб турувчи нур илоҳий манбадан қувват олади [1:15]. Христиан динига эътиқод қилувчилар ҳам ахлоқий меъёрларни ўз динининг асосларидан келиб чиқиб ўрганадилар, амал қиладилар.

Христиан динида одоб ва ахлоқ масалларини ўрганган бир қатор олимлар бўлиб, уларнинг тадқиқотлари жамият ва илмий ҳамжамиятда кўплаб баҳслар ва эътиборга сазовор бўлган. Жумладан, америкалик теолог ва файласуф Г. Кинг “Исонинг одоби” китобида [4] Янги Аҳдда ўз аксини топган Исо Масиҳнинг одоб билан боғлиқ таълимотларини таҳлил қилган. Христиан дини бошқа аксар динлар сингари бой ва камбағални, кучли ва ожизни, турли ирқ ва ижтимоий гуруҳ вакиллари бир-биридан ажратмайди. Барча эътиқод қилувчилар учун умумий ахлоқ мезонлари: мўминлик, тавба, яхшилик қилиш ва раҳм шафқатли бўлиш, гуноҳ қилмаслик кабилар мавжуд.

XXI аср бошларида АҚШда энг кучли теологлардан деб эътироф этилган К.Люис “Шунчаки христианлик” асарида христианликнинг ахлоқий асосларини, хусусан, муҳаббат, кечиримлилиқ [5] ва ўз-ўзини қурбон қилиш масалаларини тадқиқ этган. Христиан ва яҳудий динига кўра, асосий ахлоқий меъёрларнинг келиб чиқиши Мусо алайҳиссаломга Яратган томонидан “Ўн амр”нинг туширилиши билан боғлиқ. “Ўн амр”да таъкидланганидек, ота-онага ҳурмат кўрсатиш, қотиллик қилмаслик, зинога йўл қўймаслик, ўғрилиқ қилмаслик, ёлғон гувоҳлик бермаслик, ўзгалар ҳаққига кўз тикмаслик кабилар христиан ахлоқининг асосига айланди. Бу қоидаларга амал қилиш чин диндорликнинг инъикоси сифатида улуғланди. Аксинча бўлиши эса, яъни бу қоидалардан бирортасининг

бузилиши гуноҳга олиб келиб, истиффор қилишга сабаб бўлиши белгиланди.

Немис теологи ва тарихчиси Э.Троэлтчининг “Христиан черковларининг ижтимоий таълимотлари” китоби [8] черков ва жамият, черков ва ахлоқ масалалари тарихий ҳамда ижтимоий нуқтаи назардан ёритилган дастлабки тадқиқотлардан ҳисобланади. Христиан динига эътиқод қилувчи жамият ва цивилизацияларда черковнинг аҳамияти ниҳоятда катта бўлган. Черков Яратган ва инсон ўртасидаги воситачи бўлиб, фақат шу ерда инсоннинг руҳини илоҳий “мўъжиза” ёрдамида поклаш мумкин, деб эътиқод қилинади. Шу сабабдан чўқинтириш, тавба-тазарру, никоҳ сирли маросимлари айнан черковда амалга оширилади. Черков тарихан билимларни тўпловчи ва сақловчи жой бўлиб, таълим тизимининг шаклланишида, жамиятнинг ижтимоий тузилишида, ҳукукий ва ахлоқий мезонлар шаклланишида муҳим рол ўйнаган. Бироқ баъзи тадқиқотларда черков ушбу вазифаларини амалга оширишда камчиликларга ҳам йўл қўйгани таъкидланади. Хусусан, черков руҳ ва жасад (тана)ни бир-биридан айри бўлишини талқин қилиб, асосий эътиборни руҳга қаратган. Натижада жасад (тана)нинг эҳтиёжларига иккинчи даражали деб қараш устуворлик касб этган. Оқибатда тозалик-поклик, гигиена, саломатлик, жисмоний баркамолликка интилиш каби масаллар бир неча ўн йиллар мобайнида эътиборсиз қолган. Бундан ташқари, черков барча соҳаларга эгалик, ўз тасарруфида деб билиш оқибатида ўз қарашларига зид бўлган қарашларни, жумладан, ахлоқий масалаларда ҳам, йўқ қилишга интилди ва бу христиан дини тарихида қора саҳифалар бўлиб қолди.

Рим папаси Иоан Павел II бўлиб тарихда қолган К.Войтила “Муҳаббат ва масъулият” китобида [10] инсон зотининг моҳияти, муҳаббат туйғусининг хусусияти ҳамда инсондаги масъулият ҳиссининг ахлоқий камолотга эришишдаги ролини ўрганган. Айтиш ўринлики, нафақат теологлар, балки жамият фикрига ўз таъсирини ўтказиш салоҳиятига эга бўлган ёзувчи ва файласуфлар ҳам христиан ахлоқини ўрганиш ва бошқаларга етказишга ҳаракат қилган. Хусусан, рус ёзувчиси Л.Толстой “Яратган салтанати сенинг ичингда” китобида [7] христианликка жаҳолатга

қарши, ижтимоий адолат ва тенглик, инсоний камолотни марказий ролга қўювчи ҳаёт тарзи нуқтаи назаридан таҳлил қилинган.

Христианликдаги уч йўналиш: православ, католик ва протестантликда ахлоқ масаласи баъзи нуқталарда бир-биридан фарқ қилади. Православлик нуқтаи назаридан христиан ахлоқини ўрганган олимлар ичида К.Варе, Ж.Телушкин, И.Брианчанинов [3] ва бошқаларни санаб ўтиш жоиз. Уларнинг тадқиқотларида православ черкови таълимоти асослари, унда ахлоқ масаласи илк бор тадқиқ қилинган.

МУҲОКАМА

Православ черкови христианликдаги яна бир йирик йўналиш католик черковидан нималарига кўра фарқ қилади? Айниқса, ахлоқ масаласида бу икки черков ўртасида қандай тафовутлар мавжуд? Католик ва православ черковлари муштарак ахлоқий қадрият ва таълимотга эга бўлса-да, аммо уларнинг ахлоққа бўлган ёндашувлари ўртасида баъзи фарқлар мавжуд. Жумладан, шундай фарқлардан бири – уларнинг ахлоқий қарорларни қабул қилишда анъаналарнинг роли ҳақидаги қарашларида. Католиклар черков обрўсига ва унинг таълимотларига қатта эътибор беришади, православ насронийлар эса черков оталари ва имонлилар жамоасининг консенсусига устунлик қаратади.

Яна бир фарқ жинсий ҳаётга ва оилавий ҳаётга бўлган ёндашувда. Католиклик жинсий ахлоққа нисбатан қаттиқроқ қарашга эга бўлиб, никоҳдан ташқари покликнинг муҳимлигини таъкидлайди ва контрацепцияни тақиқлайди, православлик эса бу масалаларга нисбатан юмшоқроқ нуқтаи назарга эгаллиги айтилади.

Ниҳоят, икки черковнинг ижтимоий адолат масалаларига ёндашишларида фарқлар мавжуд. Католик ижтимоий таълимоти ахлоқий қарорлар қабул қилишда шахснинг виждонининг муҳимлигини таъкидлаб, камбағал ва маргиналларга ғамхўрлик қилиш муҳимлигини таъкидлайди. Бошқа томондан, православлик нажотнинг жамоавий хусусиятига урғу беради ва ижтимоий адолат масалаларини нажот ва руҳий ҳаётнинг кенгрок муаммолари билан чамбарчас боғлиқ деб билади.

Христиан динида ахлоқ масаласи қуйидаги тамойиллар асосига қурилган [9:58]. Булар:

Муҳаббат – христианликдаги энг муҳим ахлоқий тамойил. Ушбу дин вакиллари эътиқодига кўра, Исо пайғамбар Худони бутун қалб, жон, онг ва куч билан севишга чорлаган.

Раҳмдиллик – христианлар бошқаларга, айниқса, азоб чекаётган ёки муҳтожларга ҳамдардлик кўрсатишга чақирилган. Бу камбағалларга, касалларга ва маргиналларга ғамхўрлик қилишни ўз ичига олади.

Кечиримлилик – христианлар, ҳатто қийин бўлса ҳам, бошқаларни кечирришга чақирилади. Исо пайғамбар таълимотига кўра, Худо инсонларни кечирганидек, инсонлар ҳам бошқаларни кечирриши керак.

Ҳалоллик – христианлар бошқалар билан муносабатларида ростгўй ва ҳалол бўлишга чақирилади. Бунга бизнесда, ўзаро муносабатларда ва ҳаётнинг бошқа соҳаларида ҳалолликка интилиш қиради.

Ҳаққонийлик – христианлар ҳар қандай ҳолатда тўғрилиқ йўлини танлашга чақирилган. Ҳеч ким кўрмаган пайтда ҳам тўғри иш қилиш, тўғри сўзни айтишни англатади. Бу ўз қадриятига содиқ бўлишни ва яшашни ўз ичига олади.

Камтарлик – христианлар камтар бўлишга ва ўзларини бошқалардан яхшироқ деб ҳисобламасликка чақирилган. Бу бошқаларга хизмат қилишга ва уларнинг эҳтиёжларини ўзиникидан устун қўйишга тайёр бўлишни ҳам назарда тутати.

Ҳаётни қадрлаш – христианлар учун инсон ҳаёти муқаддас ва ҳимоя қилиниши керак, деб уқтирилади. Бунга аборт, эвтаназия (бедаво дарга чалинган ва бунинг оқибатида оғир азобни бошдан кечириётган инсон ва жониворларнинг ҳаётини сунъий тугатиш амалиёти) ва инсон ҳаётига қарши зўравонликнинг бошқа шакллари қарши чиқиш ҳам қиради.

ХУЛОСА

Санаб ўтилган тамойиллар қадимдан кўплаб халқлар ва цивилизацияларда тан олинган, амал қилинган. Христиан динининг бу борада ўзига хос томони, бу тамойилларнинг динга, Исо пайғамбар таълимотига ва Инжилга асосланиб, боғлаб талқин қилинишида. Айниқса, православ

ахлоқий таълимотида “табиий ахлоқий қонун” – барча учун умумий бўлган фундаментал этика тамойиллари деб қаралади.

Христиан динига кўра, инсон бахт-саодатга эришиши учун ахлоқий тамойилларга бўйсуниб яшаши лозим. Бу бора Исо пайғамбар улар учун ўз ҳаёти мисолида намуна бўлиб яшаб ўтган: муҳаббат, кечиримлилик, раҳмдиллик, тавба, бошқалар эҳтиёжи ва кадр-қимматини ўзиникидан устун қўйиш кабиларда намуна бўла олган. Буларни билиш ва тадқиқ этишнинг аҳамияти ҳамда долзарблиги шундаки, дунёда ушбу динга эътиқод қилувчи миллионлаб инсонлар, жамиятлар, давлатлар ўртасида ахлоқий тамойилларнинг чинакамига амал қилиниши тинчлик-тотувлик, ўзаро ҳурматни кучайтириш ва зўравонликка қарши курашишга хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Алимов С. Глобаллашув даврида ахлоқ ва дин ўртасидаги муносабатнинг фалсафий таҳлили. Этика ва эстетика ихтисослигида маг. дис. – Т.2018. – Б. 15. // www.researchgate.net/publication/348266236_globallasuv_davrida_ahlok_va_din_urtasidagi_munosabatning_falsafij_talili_the_philosophical_analysis_of_releationship_between_morality_and_religion_in_the_era_of_globalization
2. Фалсафа: энциклопедик луғат. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2010. – Б. 35.
3. Kallistos (1995). The orthodox way. St Vladimir’s Seminary Press. – New York. 147 p. ISBN 0-913836-58-3.
4. King H.C. (1910). The Ethics of Jesus. Norwood Press. – New York. 293 p.
5. Lewis C.S. (2001). Mere christianity. Zondervan. – Michigan. 240 p. ISBN: 0060652926 // https://fb2bookfree.com/uploads/files/2020-11/1606000427_mere-christianity.pdf
6. Theophan the Recluse. (1995). The spiritual life and how to be attuned to it. St. Herman Press. – Alaska. 320 p. ISBN10: 0938635360. Available at: <https://archive.org/details/spirituallife00feof/mode/2up>
7. Tolstoy L. (1894). The Kingdom of God is within you. Cassell Publishing Company. – New York. 161 p. // <https://www.arvindguptatoys.com/arvindgupta/kingdom-god-tolstoy.pdf>
8. Troeltsch E. (1931). The social teaching of the Christian churches. George Allen Amp Unwin, Ltd. – London. 447 p. Available at: <https://archive.org/details/in.ernet.dli.2015.189046/page/n3/mode/2up>
9. Wadell P. J. (2016). Happiness and the Christian moral life: An introduction to Christian ethics. Rowman & Littlefield. – Maryland. 320 p. Available at: <https://rowman.com/ISBN/9781442255173/Happiness-and-the-Christian-Moral-Life-An-Introduction-to-Christian-Ethics-Third-Edition>
10. Wojtyła K. (1982). Love and responsibility. Collins. – London. Available at: https://www.jp2.info/JP2_on_Love-Responsibility.pdf